

ВИКТОР ГЮГО ИЖОДИДА ЗООСИМВОЛЛАР

С. Қўчқорова¹*Аннотация:*

Мазкур мақолада француз маданиятида бўри символикаси, француз шоири ва ёзувчиси Виктор Гюго ижодида ҳайвон образлари, хусусан бўри образи ифодалаган рамзий маънолар хусусида гап боради.

Калит сўзлар: келт қабилалари, зоосимволлар, Виктор Гюго, рамзий талқин.

doi: <https://doi.org/10.2024/n3rmk767>

Адабиётда рамзлар кўп маънога эга ва инсон тажрибасининг турли томонларини акс эттириш, мураккаб ғоя ва ҳиссиётларни етказиш учун асосий воситалардан ҳисобланади. Шу жумладан ҳайвон рамзлари адабиётда муаллифларга ўз фикр ва ҳис-туйғуларини янада аниқроқ етказишга ёрдам берадиган кучли тасвир бўлиб хизмат қилади. Зоосимволлар кўпинча инсон ички ҳолати ифодаси ёки ижтимоий ҳодисаларни талқин этишда иштирок этади. Улардан фойдаланиш матнга ҳиссий бойлик беради. Ушбу мақолада биз буюк француз адиби Виктор Гюго ижодида бўри тимсоли қай тарзда тасвирланганлиги хусусида сўз юритамиз.

Бошқа бир машҳур француз ёзувчиси Александр Дюма буюк шоир ва ёзувчи Виктор Гюгога “Гюго оддийгина шоир эмас, балки бутун бир даврнинг ўзидир” дея таъриф берган эди. Дарҳақиқат, наинки адабий қарашлари ва асарлари, балки ҳақиқатни, Француз ҳукуматидан оддий халқнинг оғирини енгил қилувчи қонунларни қабул қилишни тарғиб этган гражданлик позицияси билан ҳам Гюго француз адабиёти ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўчмас из қолдирган бир инсон эди. Шеърийатда давр тушунчасининг ўзига хос хусусияти бевосита инсон шахси билан уйғунликда тажассум топди. Гарчанд, давр тушунчаси орқали инсониятнинг ўтмиши, ҳозирги, келажакка ёки инсон умрининг мазмуни, моҳияти тўғрисида гап борса-да, у энг аввало, ҳаёт, воқелик ва инсон шахсияти билан алоқадорликда намоён бўлади². Ҳаёти давомида турли қирол, император ва республикачиларни кўрган Гюгонинг назмий ва насрий асарларида асосий ғояси сифатида доимо озодликка интилиш, ҳақиқатга етиш каби юксак туйғулар ифодаси кўринади. Ушбу тасвирда турли рамзий образлар, жумладан, ҳайвон ва қушлар образи ҳам иштирок этади.

Гюго учун одамларга боғлиқ бўлмаган ҳайвонот олами ўз-ўзича мавжуд маълум бир турдан кўра кенгроқ оламдир. У ўз асарларида ҳайвонларнинг ҳолатини тез-тез ўрганиб, уни “ажойиб ва теран алифбо” деб атаган. Бу таъриф унинг жониворлар ҳаётини бой ва мураккаб тил сифатида идрок этишини,

¹ Қўчқорова Садоқат Тошпўлатовна, СамДЧТИ

² Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Т.: Фан, 1979. – Б. 8-9

борлиқ ҳақидаги ҳис-туйғулар ва чуқур ҳақиқатларни етказишга қодир эканлигини таъкидлайди. Унинг ижодида ҳайвон моҳиятан нисбийлашган, таназзулга ва қарама-қаршиликка учраган, ҳам сирли, ҳам изоҳлаш мумкин бўлган онтологик фигурадир¹.

Бу ўринда француз маданиятида бўри образининг рамзий талқинига эътибор қаратсак. Ўрмон ва афсоналар тимсоли сифатида бўри табиатнинг оддий жонзоти мақомидан ошиб кетиб, табиатининг мураккаблиги боис асрлар давомида дунёнинг турли маданиятларида турли рамзий маънолар касб этган. Қадимда Францияда яшаган келт қабилалари учун бўри тимсоли ижобий характерга эга бўлган. Келт мифологиясининг олий худоси Луг (Lug) иккита бўри ҳамроҳлигида акс эттирилган, бу асосда, эҳтимол, Луг номи “leuks” “нур” ва “бўри” (loup) маъносини берувчи “lukwos” сўзидан келиб чиққан, деб тахмин қилинади.

Бўри ҳозирги французларнинг аجدодлари бўлмиш галлик жангчилар учун эса жасорат тимсоли эди. Баъзи галлик аскарлар маросим сифатида бўрининг фазилатларини ўзига боғлаш учун уларнинг юракларини еб бўлгач, дубулғаларига бўрининг бошини ўрнатардилар. Аста-секин келт маданиятида ит бўрининг ўрнини алмаштирди.

Ўрта асрларга келиб Франция ҳудудида минглаб бўрилар чорва моллари учун ҳақиқий таҳдид саналган, айнан ушбу даврда унинг бахтсиз қурбонларини ютиб юбораётганини акс эттирадиган ҳикоя ва эртақлар, уни иблис мужассамлашган шафқатсиз ҳайвон сифатида тасвирлайдиган диний нутқлар натижасида охир-оқибат инсонлар онгида ушбу ҳайвон хусусида даҳшатли ва нафрат уйғотувчи ҳайвон сифатида тасаввур пайдо қилди. 1764-1767 йилларда ҳозирги Лозер вилояти ҳудудида бир неча ўнлаб деҳқон, аёл ва болаларни ҳалок қилган йиртқич ҳайвоннинг бўри бўлиши мумкинлиги халқ онгида ушбу тасаввурни кучайтирган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Гюго учун ҳайвонот олами теран ва ажойиб бир алифбодир, яъни ҳар бир ҳайвоннинг ўз хусусият ва ҳулқ-атвори мавжуд. Гюго ижодига мансуб мисолларни таҳлил қилиш жараёнида кузатишимиз мумкинки, бўри символикаси ташқи кўриниш, маълум вазиятлардаги хатти-ҳаракатлар ва имплицит тарзда маълум тушунчаларга ишора бериш орқали намоён бўлади.

Бўрига хос хушёрлик ва эҳтиёткорлик унинг қадам ташлаши орқали инсонларга нисбатан қўланади: *Puis il regagna sa chambre à pas de loup*. Шоир ҳаётидаги қора ва совуқ кунлардаги руҳияти бўрининг ўз қавагига кириши орқали ифодаланади ва мисралардаги *linceul* (кафан), *le noir vieillard Décembre* (қора кеса декабр) бирликлари орқали тушкунлик маъноси акс этади: *Il semble que sur moi, secouant son linceul, Se soit soudain penché le noir vieillard Décembre; Comme un loup dans son trou, je rentre dans ma chambre*. Шоир ҳаёлида унга тинчлик бермаётган даҳшатлар бўри галасига қиёс қилинади: *C'est qu'hélas ! le hideux cauchemar qui me hante N'a pas de trêve et va furieux, fou, jaloux, Se multipliant comme un cortège de loups*. Шоир учратган адолатсизликлар

¹ Françoise Armengaud. L'animalité selon Victor Hugo : un «alphabet formidable et profond». Communication au colloque «L'animal du XIXe siècle» organisé par l'équipe «Littérature et civilisation du XIXe siècle» de l'Université Paris 7 sous la direction de Paul Petitier, les 16-18 octobre 2008

қўзичоқни халақит бергани учун шунчаки паққос туширган бўри тимсоли орқали гавдалантирилади: *Je n'ai trouvé dedans que deuil, misère, ennui. J'ai vu le loup mangeant l'agneau, dire : Il m'a nuï.*

Бундан ташқари шоир ҳайвонларга нисбатан инсонларнинг ёмон муносабатини кескин қоралаган. Кузатувлар натижасида адиб асарларида ҳайвонларнинг баъзи хатти-ҳаракатлари ва маълум вазиятлардаги хулқ-атворини инсонларга кўчирган. Мисоллар таҳлилида қуйидагиларни кузатамиз:

чорасизлик: *Le Thénardier éprouva ce qu'éprouve le loup au moment où il se sent mordu et saisi par la mâchoire d'acier du piège; Il se remet à vivre de plus en plus seul, égaré, accablé, tout à son angoisse intérieure, allant et venant dans sa douleur comme le loup dans le piège, quêtant partout l'absente, abruti d'amour; ... tous se turent avec des regards de loups enchaînés;*

қатъият ва чаққонлик: *Il fit ce que fait le loup. Il donna une secousse. L'audace lui avait déjà réussi une fois; Il s'échappait impétueusement comme le loup qui trouve la cage ouverte;*

камситилиш ва ғазаб: *Montparnasse avait l'attitude humiliée et furieuse d'un loup qui serait happé par un mouton;*

итоат: *Seulement elle se taisait en l'absence du maître comme les louveteaux en l'absence du loup,* ва ҳ.

Мисоллардан кўриниб турибдики, Гюго француз миллатига мансуб инсон сифатида халқ онгида шаклланган бўри хусусидаги салбий тасаввурлар сақлаб қолган, шу билан бирга кузатувлари натижасидаги индивидуал қиёслашлар ҳам унинг ижодида ҳам акс этган.

Шундай қилиб, ҳайвон рамзлари шоир ва ёзувчилар учун муҳим восита бўлиб, уларга табиат ва ҳайвонлар призмаси орқали инсон ҳиссиётлари ва ижтимоий ҳодисаларни чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Т.: Фан, 1979. – Б. 8-9
- [2]. Françoise Armengaud. *L'animalité selon Victor Hugo : un « alphabet formidable et profond »*. Communication au colloque « *L'animal du XIXe siècle* » organisé par l'équipe « *Littérature et civilisation du XIXe siècle* » de l'Université Paris 7 sous la direction de Paul Petitier, les 16-18 octobre 2008
- [3]. Victor Hugo. *Les Contemplations (1856) (édition électronique)*
- [4]. Victor Hugo. *Les Misérables. Tome I,II (édition électronique, textes annoté par Guy Rosa, professeur à l'Université Paris-Diderot)*
- [5]. Victor Hugo. *Notre-Dame De Paris. 1831. (édition électronique)*
- [6]. <https://remydelavingeanneblog.home.blog/2020/10/18/19586/>
- [7]. <https://www.parc-de-courzieu.fr/que-represente-le-loup/>
- [8]. <https://histoiredebrosches.com/blogs/symbole/le-loup>